



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

2016-yil, 5-noyabr. Shanba • 132 (32.191)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усуллари жорий қилинишини истасангиз, иш ўринлари ташкил этиш дастурлари ижроси устидан парламент назорати кучайишининг тарафдори бўлсангиз, Президент сайловида Хатамжон Кетмонов номзодига овоз беринг!



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАШАББУСКОРЛИККА ЙЎЛ ОЧИШИ КЕРАК

Хатамжон Кетмонов наманганлик сайловчилар билан учрашди

Учқўрғон туманида видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган учрашувда барча туман ва шаҳарлардаги сайловчилар камраб олинди. Учрашувни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев

кириш сўзи билан очди ва Президент сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа эканини, бу жараёнда сайловчиларнинг фаоллиги долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади.

2

МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

«Бизнинг овозимиз муҳим аҳамиятга эга»

Ўзбекистон ХДП «Истикбол» ёшлар қанотида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 18 дан 30 ёшгача бўлган партияимиз аъзолари ва хайрихоҳлар бирлашган. Айни пайтда сафимиздаги 150 минг нафарга яқин ёш 4 декабрь куни бўладиган сайловга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Хар бир мамлакатда демократик жараёнлар даражаси, аввало, сайловлар қанчалик очик, ошқора, адолатли ўтиши ва албатта, фуқаролар фаоллиги билан белгиланади. Сайловчи қайси номзодни қўллаб-қувватлайди, бу танловда қайси мезонларга суянади? Сайловда илк бор овоз берадиган ёшларчи? Улар сайлов нима экани, ўз овозлари мамлакат тараққиётида қандай аҳамиятга эгаллигини қанчалик тушуниб етишяпти?

Шу ҳақда айрим ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

► Давоми 2-бетда.

САЙЛОВ — 2016

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ УЧУН СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАР

Сурхондарё вилоятида участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглари ўтказилмоқда.

Термиз шаҳридаги 243-сайлов участкасида бўлиб ўтган шундай тадбирда 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Ахмедов, Марказий сайлов комиссияси эксперти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра mudiri Г.Маликова ва бошқалар мамлакатимизда халқаро демократик меъёрларга мос мустахкам миллий сайлов тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда жойларда ташкил этилган участка сайлов комиссияларининг адолат ва демократик тамойиллар асосида фаолият

юритаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Семинар-тренингда тажрибали экспертлар участка сайлов комиссияларида ҳужжат юритиш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўртасида сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш сингари муҳим вазифалар бўйича тушунчалар берди. Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатлари, кузатувчилар институтининг аҳамияти, оммавий ах-

борот воситаларининг сайлов жараёни ошқоралигини таъминлашдаги роли каби жараёнларга эътибор қаратилди.

— Қизиқarli ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ушшоқлик билан ўтказиш юзасидан билим ва кўникмамизини янада мустахкамладик, — дейди Термиз шаҳридаги 243-участка сайлов комиссияси раиси Мухтор Норқулов. — Участкаларда сайловчилар учун барча зарур қулайликларни яратиш, она ва бола, тиббиёт хоналарини жиҳозлаш бўйича берилган тавсиялар ҳам айтиш мумкин бўлди.

Бундай семинар-тренинглари вилоятнинг барча туманларида ўтказилмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА барча қулайликлар яратилмоқда



Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин давом этмоқда.

Нукус шаҳри «Дўстлик гузар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 16-сайлов участкаси замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва зарур адабиётлар билан таъминланган. Сайловчилар учун барча қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда.

— Участкамизда сайлов қонунчилигига оид маълумотлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситаларини жойлаштирдик, — дейди участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Пўлат Сатуллаев. — Шунингдек, сайловчиларни рўйхатга олиш, уларнинг овоз

беришини ташкил этиш, тиббиёт, она ва бола хоналари шай ҳолатга келтирилди.

— Эрталабки саккиздан кечки саккизгача навбатчилик ташкил этилган, — дейди 3-сонли оилавий поликлиника ҳамшираси Сағуда Абдуғаппарова. — Зарур дори-дармонлар ҳозирланган. Биринчи ёрдам кўрсатиш учун махсус воситаларни ҳам тайёрлаб қўйдик.

Қисқа қилиб айтганда, ҳамюртларимиз юксак фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда, Президент сайловида тайёргарлик ишларини юқори савияда ташкил этмоқда.

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитаси 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, парламентаризм соҳасидаги икки томонлама алоқаларни мустахкамлаш мақсадида фаолият олиб боради. Парламент ҳамкорлиги қўмитаси фаолияти орқали парламент депутатлари шерик мамлакатларда ўтказилаётган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тадбирлар ҳақида хабардор қилинмоқда, турли халқаро ва бошқа тадбирларни ўтказишга ёрдам кўрсатилмоқда.

Қўмита мажлисида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, инвестиция, молия ва ҳуқуқ соҳаларидаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, тарафлар минтақавий ва халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши курашиш, минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан амалий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлиги изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этди.

Қўмита мажлисида сўзга чиққанлар Ўзбекистон Биринчи Президентимиз Исроил Каримов томонидан белгиланган демократик ислохотлар йўлига, ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқ қолаётганлиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Давлат бошқаруви тизими етуқлиги ва барқарорлигининг юқори даражаси, демократик жараёнлар ва институтларнинг ривожланилиги халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг янада ошишига асос бўлмоқда.

Мажлисда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида батафсил ахборот тақдим этилди.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик жараёнларни амалга ошириш ва жамиятнинг ривожлантириш борасидаги роли ошиб бораётганли-

гини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунга парламент фаолиятини тартибга солишчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўмаклашмоқда. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият юқори органининг қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги ролини оширишга, электоратнинг халқ сайлаган вакилларга бўлган ишончини мустахкамлашга хизмат қилувчи жорий йилда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови доирасидаги тадбирларни муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистонда очик ва адолатли демократик сайловни ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилганлиги, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг боришини мониторинг қилишга халқаро кузатувчилар кенг жалб қилингани таъкидланди.

Европа парламенти аъзолари Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижаларига юқори баҳо берди. Европарламент депутатлари ўз чиқишларида Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан, жумладан, терроризм, экстремизм ва ғиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishiга қарши курашиш масалаларида Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи таркибига кирувчи мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдирди.

Умуман, «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги қўмитасининг мажлиси амалий ва ишчанлик муҳитида ўтди. Мажлис натижаларига қўра парламент ҳамкорлигини янада фаоллаштириш, 2014-2020 йилларда индикатив кўмаклашув дастурини амалга ошириш, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, парламент аъзоларининг тажриба алмашинувида доир халқаро конференциялар, тренинглари, семинарлар ва бошқа тадбирларни биргаликда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Ивета ГРИГУЛЕ,

Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан алоқалар бўйича делегацияси раиси (Латвия);

— Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирмакчимиз. Исроил Каримов ўзининг бутун кўн-ғайратини ва тафаккурини Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг мустақиллигини мустахкамлашга бағишлади.

Европарламент ва Ўзбекистон ҳамкорлиги сўнгги йилларда янада ривож топмоқда. Европа Иттифоқи ва Европарламент-

нинг Ўзбекистонга нисбатан муносабати доимо илиқ ҳамда дўстона бўлиб келган. Утган йиллар давомида барча соҳалар бўйича, жумладан, таълим, ижтимоий соҳа, минтақавий тараққиёт, кишлоқ ҳўжалигида қўллаб-қувватлашга амалга оширилди. Булар бизнинг яқин келажақдаги шериклигимизнинг ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолади. Европа Иттифоқи бундан кейин ҳам мамлакатингизни қўллаб-қувватлайверади.

Брандо БОНИФЕЙ,

делегация аъзоси (Италия);

— Бугунги йиғилиш долзарб масалаларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш учун қулай имконият бўлди. Бизнес тузилмалар билан янги алоқалар ўрна-

тиш, иқтисодий соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигининг устувор йўналишлари бўлиши керак.

Марк ТАРАБЕЛЛА,

делегация аъзоси (Бельгия);

— Ўзбекистон изчил иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқда ва халқаро кооперация учун ўз бозорини очмоқда. Бу кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бу ерда ишбилармонларнинг ташаббусларини ҳар томон-

лама қўллаб-қувватлашга қаратилган мустахкам ҳуқуқий база барпо этилган. Бундан ташқари, мамлакатингизда ҳўм сураётган барқарор вазият ҳам хориж инвестицияларини жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗА

БИЗНИНГ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИНГ!

■ Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.



Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

■ ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР»
ҚАНОТИ

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими Бойсун туман партия кенгаши билан ҳамкорликда «Хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига жалб этишда ижтимоий шерикликнинг афзалликлари» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАШАББУСКОРЛИККА ЙЎЛ ОЧИШИ КЕРАК

Хатамжон Кетмонов наманганлик сайловчилар билан учрашди

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг раиси, Президентликка номзоднинг вилоятдаги ишончли вакили Дилором Абдурахимова сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмонов ўзининг сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод аввал Наманган вилоятида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва уларнинг самаралари, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлашга вилоят аҳолининг қўшаётган катта ҳиссасини эътироф этди.

«Айтиш керакки, номзодимиз дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясига гоя ва мақсадларига, ҳусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг парламентдаги кўпчилиги — Демократик кучлар блокига нисбатан муҳолиф фракция сифатида илгари сурган қатор гояларига асосланган. Унда аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатлами турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, бунда давлатнинг тартибга солувчиллик

ролини мустаҳкамлаш масалалари илгари сурилган.

Шунингдек, энг кам истеъмол харажатлари стандартларини белгилашда замонавий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, коммунал хизматлар нархларини мақбуллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, бу борадаги дастурнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан парламент назоратини кучайтириш билан боғлиқ режалар белгиланган.

— Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади, — дея таъкидлади Хатамжон Кетмонов. — Иқтисодий сиёсатдаги асосий устувор вазифаларимиз бу — давлатимизнинг молиявий-иқтисодий қудратини оширишни кучли

ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш, шу орқали аҳолининг, ҳусусан, унинг эҳтиёжманд қатламларининг турмуш даражасини янада яхшилашдан иборатдир.

Ўзимизда ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига ички бозорни тўлдириш, нарх-наво ошишининг олдини олишга қаратилган товар ҳамда хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг худудий дастурларини яратиш ва амалга ошириш, бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини янада кучайтириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бу масаланинг аҳамиятли томонларига тўғраладиган бўлсак, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш орқали биз нафақат нарх-наво арзонлашишига эришамиз, балки янги иш ўринлари очилиши учун имкон яратган бўламиз. Демак, мазкур йўналиш-

даги худудий дастурларни ишлаб чиқишда ўша жойдаги аҳолининг қизиқиш ва имкониятларини ўрганиш яхши самара беради, деб ўйлайман. Ўз-ўзидан бу маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтиришни тақозо этади.

«Иқтисодий ислохотларга — ижтимоий самарадорлик!», «Кам таъминланганларнинг кучли ижтимоий ҳимояси учун курашамиз!», «Ижтимоий ҳимоя ташаббускорликка йўл очмоғи даркор», «Кексаларимиз учун муносиб пенсия таъминоти!» каби гоялар сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Айниқса, аҳолига юқори сифатли таълим олиш ва мақбул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш долзарб вазифа экани қайд этилди.

Учрашувда Косонсой туман маданият ва спорт ишлари бўлими

мутахассиси, «Ёш сиёсатчи — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби Хуршида Бобонова, партия ва меҳнат фахрийси Маматвали Турғунов, Ўйчи спорт коллежи ўқитувчиси Адиба Абдурахимова, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Маҳмуджон Парпиев ва бошқалар номзоднинг дастурий мақсадлари юзасидан сўзга чиқиб, сайловчиларни Хатамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Президентликка номзоднинг сайловолди дастуридаги пенсия таъминотини такомиллаштириш, коммунал хизматлар тарифларини мақбуллаштириш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ёндашувлар сайловчиларни кўпроқ қизиқтирди. Учрашувдаги савол-жавоблар асосан ана шу масалаларни қамраб олди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов Президент сайловига тайёргарлик, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этиб, сайловчиларни фаолликка чақирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



◀ Давоми. Бошланғичи 1-бетда.

■ МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

«БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА»



Шодия ЭРГАСHEVA,
Тошкент вилояти,
қаратё бўйича Осиё ва
жаҳон чемпионатлари
савдордори:

— Мен бу йил сайловда биринчи марта овоз бераман. Бундан жуда ҳам хурсандман. Сайлов кунини ҳаяжон билан кутаяман. Биринчи марта сайловда иштирок этиш ҳаётимдаги унутилмас воқеалардан бири бўлади. Биз, ёшларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамланган ва биз унга, албатта, риоя қилишимиз, ўз фуқаролик бурчимизни фаоллик ҳамда юксак масъулият билан адо этишимиз лозим.

Президент сайлови мамлакатимиздаги демократик юксалишнинг муҳим омили саналади. Шу боис унда иштирок этадиган ҳар бир фуқаро ўз ҳаёти, келажаги, давлат ва жамият равиши учун овоз бериши керак, деб ўйлайман. Президентликка номзодлар томонидан таклиф этилаётган дастурлар ўзига хос йўналишларга эга. Шунинг учун уларни чуқур ўрганиш катта масъулият юклайди. Сайловолди учрашувлар эса

фуқароларнинг, айниқса, биз каби сайловда илк бор иштирок этадиган ёшларнинг билим ва сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Давлат иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, халқ фаровонлиги ортади. Шу боис Президент, аввало, узокни кўра билладиган, эртанги кун учун, юксак тараққиёт йўлидаги муҳим режаларни амалга ошира оладиган, жасоратли ва албатта, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган инсон бўлиши керак, деб ўйлайман.



Дилшод РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳри, Тошкент
туризм касб-ҳунар
коллежи ўқувчиси:

— Мен ҳам Президент сайловида биринчи марта иштирок этаман. Албатта, бундай ҳуқуққа эга бўлиш катта бахт. Чунки биз ҳам эндиликда жамиятимизнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, давлат раҳбарини сайлашдек масъулиятли жараёнда ўз овозимиз билан қатнашиш имкониятига эгамиз.

Ҳозир сайловга оид сиёсий-ҳуқуқий билимимни бойитиб бораёман. Сиёсий партиялар наشرларини мунтазам кузатаяпман, сайлов билан боғлиқ қонунчиликни ўрганипман. Таълим даргоҳларида, маҳаллаларда ўтказилаётган семинар ва давра суҳбатлари орқали бу борадаги тушунча ва тасаввуримни янада бойитаяпман.

Яқинда Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бошланганидан ҳаммамиз хабардоримиз. Энди сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда ҳам фаол қатнашиб, номзодларнинг Сайловолди дастури билан тўлиқ танишиш ниятидаман.

Очиғи, Президент сайлови яқинлашган сари ҳаяжоним ортмоқда. Бунинг масъулиятини ҳис этиб турибман. Мен шу юрт тақдирини белгилувчи ёшлардан бири эканимдан фахрланаман.



Кумуш ШЕРҚУЗИЕВА,
Андижон вилояти,
Ўзбекистон ХДП
«Истиқбол» ёшлар қаноти
фаоли:

— Албатта, олдимизда турган муҳим сиёсий воқеалик биз ёшларда катта ҳаяжон уйғотади. Ҳозирги сиёсий жараёнларни кузатиб бораёман.

Президент сайлови фуқароларнинг эркин овоз бериши орқали бўлиб ўтадиган муҳим ҳуқуқий ва сиёсий жараёндир. Унда ҳар биримиз иштирок этишимиз, Ватан тақдирини ўз тақдиримиз билан чамбарчас боғлаб, энг муносиб номзодга овоз беришни фуқаролик бурчимиз, деб биламан.

Менинг хулосам шундай: Президент жамиятда ўз обрў-этиборига эга бўлган, халқ дарди билан яшайди-

ган, юртдошларимизнинг оғирини енгил қила оладиган, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган инсон бўлмоғи керак.

4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда менинг овозим ҳам аҳамиятга эга эканини биламан. Албатта, бу имкониятдан фойдаланиб, ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Гулрух ОДАШБЕКОВА
тайёрлади.

Аёлларимиз кўнглига кириб борсак, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, ечимини топсак, опасингилларимизнинг турмушини енгиллаштиришга ҳисса қўшган бўламиз

Ҳусусан, хотин-қизлардан тушаётган савол ва муносабатларга кўра, уларга кредит олиш, мустақил равишда иш бошлаш масалаларида маслаҳатлар берилмоқда. Энг муҳими, аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда ижтимоий шериклар билан доимий ҳамкорлик яхши самара берадиган, дейишди сўзга чиққанлар.

— Аёлларимиз кўнглига кириб борсак, уларни ўйлантираётган айрим муаммоларни ўрганиб, ечимини топсак, опасингилларимизнинг турмушини енгиллаштиришга ҳисса қўшган бўламиз, — деди Бойсун туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Саодат Жўрақулова. — Айниқса, амалий тадбирларни энг чекка ҳудудларда ўтказиш, қишлоқларда истиқомат қилувчи аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига эътибор қаратишимиз керак.

Тадбир давомида иштирокчиларга оилавий ва яқка тартибдаги тадбиркорлик, касаначилик меҳнатини ташкил этиш бўйича белгиланган имтиёз ҳамда қафолатлар тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

Нилуфар ШАЙМАНОВА,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё
вилоят кенгаши сектор мудири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Аҳоли бандлигини таъминлаш — энг асосий бурчимиз»



МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ!



ХАТАМЖОН КЕТМОҲОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Минтақавий марказ Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари таълим дастурлари ва илгор тажрибалари кенг жорий этиш, сифатини ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш йўналишларида фаолият олиб боради.

Марказда тингловчиларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш учун СамДУнинг етакчи кафедралари таянч кафедралар сифатида белгиланган. Мазкур мақсадлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Марказда махсус фанлар блокидан ўқув-машғулотларини олиб боришга жалб этилган профессор-ўқитувчилар учун мунтазам ўқув семинарлари ташкил этилиб, қабул режаларининг бажарилиши ва фаолият натижалари бўйича алоҳида мониторинг олиб борилади.

Шу билан бирга, тингловчиларнинг хорижий тил ва ахборот коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражасига қараб, уларни гуруҳларга бўлиб ўқитиш, минтақавий марказ томонидан тузилган тестлар базасидан фойдаланган ҳолда кириш-чиқиш тестларининг онлайн тарзда умумий порталда қабул қилиниши йўлга қўйилган.

Тингловчилардан махсус шаклда олинган аноним сўровномаларни мунтазам таҳлил этиш асосида профессор-ўқитувчилар фаолиятининг натижавий статистик кўрсаткичлари илмий-методик кенгашиларда муҳокама этиб борилмоқда.

Тингловчилар билан амалий семинар-тренинг ва кўчма машғулотларни ЎзРФА Археология институти, СамДУ «Афросиёб» илмий маркази, музейлар, илмий лабораториялар, Зарафшон кўриқхонаси, Самарқанд шаҳрининг маданият-маърифий марказлари ва тарихий ёдгорликлар жойлашган мажмуаларда ўтказиш самарали натижалар бермоқда.

Хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим даргоҳларининг етакчи мутахассислари ўқув жараёнларига жалб қилинган. Ўтган давр мобайнида Прага Метрополитен университети, Лондон Метрополитен университети, Латвиянинг Резекне Технологиялар академияси вакиллари ва маҳкам ходимлари, профессор-ўқитувчилари, тингловчилари иштирокида мазкур тизимни модернизациялаш, Европа андозаларига мослаштириб тузилган ўқув-режаси ва дастурлари бўйича бир қатор семинар-тренинглар ўтказилди. Тадбирларда таълим соҳасидаги сифат кўрсаткичлари, уларнинг меъёрлари бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Малака ошириш ва қайта

тайёрлаш курсларида олиб борилаётган ўқув-машғулотлари ахборот коммуникация технологиялари ва интерфаол усулларда ноанъанавий тарзда ташкил этилишига жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, 2016 йилнинг январь-июнь ойларида қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим жараёнида дарс машғулотлари олиб бораётган 12 нафар профессор-ўқитувчининг очик дарслари ва ўзаро дарс машғулотлари таҳлил этилиб, очик дарсларни қайд этиш журнали ҳамда таҳлил карточкаларида расмийлаштирилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида минтақавий марказ ҳодимлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий журналларда 8, Республика журналларида 14 илмий мақола нашр этирилди. 16 Халқаро конференция 22 Республика конференция тезислари чоп этирилди. 7 ўқув услубий қўлланма ва 2 монография нашриётларга топширилди.

Марказда битирув лойиҳа ишлари олдидан белгиланган мавзулар бўйича тингловчилар томонидан танланади ва мутасаддилар билан маслаҳатлашиб тасдиқланади ҳамда илмий раҳбарлар тайинланади. Тизимда бўлаётган ўзгаришлар мунтазам равишда таҳлил қилиниши билан бирга, марказнинг моддий-техник базаси, дарс машғулотларининг сифати, хорижий тилларни ўрганиш ва АКТлардан кенг фойдаланиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нуриддин ИНДИАМИНОВ,
СамДУ ҳузуридаги
Минтақавий
марказ директори.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

ҚИШДА ҲАМ ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛАДИ

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида, аграр соҳада бозор муносабатларини жорий қилиш, хусусий мулкчилик шаклини тараққий эттиришга йўналтирилган изчил ислохотлар самарасида мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштириш сердаромад тармоқлардан бирига айланди.

Юртимизда пишиқчилик мавсуми март ойидан декабрь ойига қадар — қарийб йил бўйи давом этади. Ҳосил йиғиш мавсуми якунлангач, маҳсулотлар нест-нобүд бўлишининг олдини олиш, уларни халқимиз дастурхонига узуксиз етказиб бериш, аёзли кунларда ҳам нарх-навонинг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш доимий эътиборда.

Бу йилги мавсумда мамлакатимиз аҳолиси учун қиш-баҳор ойларида талаб этиладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, уларни экспорт қилиш имконияти, маҳсулотларни сақлаш учун қурилаётган совуғтичлар хусусида «Ўзбекистон қишлоқ-хўжалиқ вазирлиги» уюшмаси раиси Зафар ФАЙЗИЕВ ўза мухбирига қуйидагиларни гапирди:

— 2016-2017 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 660 минг тонналик захирасини яратиш чоралари қўрилмоқда. 175 минг тонна картошка, 139 минг тонна пилёз, 46 минг тонна бошқа сабзавотлар, 105,8 минг тонна мева шулар сирасидан. Бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танқислиги ва нархлар ошишининг олдини олиш мақсадида совуғтичи омборхоналарда керакли микдорда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари жамғарилиди. Бунинг учун зарур бўлган 93 миллион сўмнинг 38,4 миллиони корхоналарнинг ўз маблағлари, қолган қисми тижорат банклар кредитлари эвазига молиялаштирилди. «Ўзбекистон қишлоқ-хўжалиқ вазирлиги» уюшмаси бозорни сархил мева-

сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, узум ва гуруч билан тўлдирди, муҳим озиқ-овқат товарлари захирасини ғамлаш чора-тадбирларини кўймоқда.

Тайёрлов корхоналари билан деҳқон ва фермер хўжалиқлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ҳар икки томон контрактация шартномаларини тузиш, унинг изчил ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, мавсум аввалида ажратилаётган бўнак пуллари уруғлик, кўчатлар, ёнлиги-мойлаш материаллари, кимёвий ўғит ҳарид қилиш, техника таъмири учун эътиёт қисмлар сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Омборлар мавсумга талаб даражасида тайёрланса, аҳолини келаси пишиқчилик мавсумига қадар сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узуксиз таъминлаш имкони яратилади. Корхоналардаги иллик ва салқин омборхоналар, совуғтиш ва музлатиш камераларида маҳсулотларни янги ҳосил пишиқ етилгунча бемалол сақлаш мумкин. Тухум, гўшт ва сўт маҳсулотлари совуғтиш камераларида, алоҳида ҳарорат талаб қилмайдиган дуқакли дон, макaron, чой, шакar, қандолат каби маҳсулотлар омборларида сақланади. Маҳсулотлар сифати, совуғтич ва омборлар ҳарорати тўла назорат қилиб борилади.

2011-2016 йилларда бу йўналишга қарийб 70 миллиард сўм йўналтирилиб, умумий сифими 68 минг тоннага тенг бўлган элдорда зиёд совуғтичи камералар фойдаланишга топширилди. «Намангангўлгўржисавдоинвест», «Қашқадарётижоратсавдо» жамиятларидаги ҳар бири 3 минг тонналик, «Бекободгўштсавдо»даги 2 минг тонналик, «Фарғонагўштсавдо»даги 4,2 минг тонналик омборлар шулар

жумласидандир. Уюшма корхоналари ва шаҳарларда жамғарилган 330 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мазкур омборларда сифатли сақланиб, қиш-баҳор ойларида ички бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Албатта, аҳоли ва харидорларга маҳсулотни сифатли етказиб бериш учун, энг аввало, ихтисослаштирилган ва мослаштирилган омборларга талаб ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган даврида корхоналаримизда 4 минг тонналик совуғтичи омборхоналар ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада юртимизда фойдаланишга топширилган бундай объекларнинг умумий ҳажми 98,5 минг тоннага етади. Бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилиб, 2016-2020 йилларда 325 минг тонналик совуғтичи замонавий омборхоналар ишга туширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида махсус омборлар қурилиб, маҳсулотларни сақлаш технологияси такомиллаштирилаётгани сақланадиган мева-сабзавотлар тури ва ҳажми ошишида муҳим омил бўлмоқда. Тизимдаги корхоналар маҳсулотлар захирасини яратиш билан бирга, уни етиштириш билан ҳам шугулланмоқда. Мисол учун, 1900 гектардан зиёд майдонда озиқ-овқат экинлари парваришланмоқда. Қашқадарё, Бухоро, Тошкент ва бошқа вилоятларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик хўжалиқлари ташкил этилиб, 122 гектар интенсив боғ яратилди. Андижон, Фарғона вилоятларида сутни қайта ишлаш, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ун, дуқакли дон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, Самарқанд вилоятида ўсимлик ёғини қадоклаш цехлари ишлаб турибди. 400 гектар майдонда қовуннинг тез-

пишар навлари етиштирилди.

Маҳсулотларнинг ички бозордан органик экспортга чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қарам, гилоз, помидор, бодринг, сабзи, қўнат, қуритилган мева каби маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Хитой ва бошқа давлатлардаги буюртмачиларга етказиб берилди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Наманган, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари корхоналарининг улуши салмоқли бўлди.

Мутахассисларимиз юридаётган мониторинг натижаларига кўра, ташқи бозорда қурилган мева-сабзавотлар пюреси ва концентрати, консерва маҳсулотларига талаб нисбатан юқорилиги аниқланди. Шунга кўра 23 истиқболли лойиҳа тайёрланди. Ҳозир Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида умумий қиймати 8 миллион доллар миқдорда инвестиция ўзлаштирилиб, мева-сабзавотлар ишлаш ва қадоклаш ускуналарини келтириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифати ва қўламини кенгайтириш мақсадида тизимдаги чакана савдо тармоқлари кўпайтирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Термиз шаҳри, Денов ва Зомин туманларида йирик супермаркетлар ишга туширилгач, уюшма тизимда фаолият кўрсатаётган фирма дўкон, минимаркет ва супермаркетлар 5 мингдан ошди.

Қурилаётган бундай чоратadbirlar қиш мавсумида бозорларимизда ноз-неъматлар арзонлиги ва тўқинлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЎЗА мухбири
Сайёра ШОЕВА ёзиб олди.

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonani mo'ljallay: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9848
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:25
Topshirilgan vaqti — 22:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5